

Хурофотдан сақланиш лозим

Image not found or type unknown



16:00 / 01.03.2020 2971

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

بِمَا وَاللَّهُ بِالْمَعْرُوفِ أَنْفُسَهُنَّ فِي فَعَلْنَ فِيمَا عَلَيْكُمْ جُنَاحَ فَلَا أَجْلَهُنَّ بَلَّغْنَ فَإِذَا وَعَشْرًا أَشْهُرٍ أَرْبَعَةً بِأَنْفُسِهِنَّ يَرِيضَنَّ أَرْوَاجًا وَيَدْرُونَ مِنْكُمْ يُتَوَقَّوْنَ وَالَّذِينَ

خَيْرٌ تَعْمَلُونَ ﴿٣٣﴾

"Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзларича тўрт ою ўн кун кутарлар. Муддатлари етганда, ўзлари ҳақида маъруф ила қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир". (Бақара сураси, 234-оят)

Исломдан олдинги даврда аёл зоти турли азоб-уқубатларга ва хорлашларга дучор бўлар эди. Жумладан, эри ўлганидан кейин ҳам у хор-

зор бўлар, ҳаққи поймол қилинарди. Жоҳилият аҳлининг одатига биноан, эри ўлган хотиннинг устига эрининг қариндошларидан бири ридосини ташлаб қўйса, аёл бечора ўз-ўзидан ўша одамнинг мулкига айланиб қолар эди. Хоҳласа, ҳалиги одам уни ўзи хотин қилар, хоҳласа, бошқа эрга бериб, маҳрини олар ёки сотиб юборарди.

Эри ўлган хотинга энг ёмон кийимлар кийдирилиб, хароба уйга киритиб қўйилар эди. У бир йил давомида ювинмай, хушбўй нарса суртмай ўтирарди. Яна булардан бошқа турли хурофотлар остида эзилар эди.

Ислом аёлнинг елкасидан бу зулмни кўтариб ташлади. Эри ўлган аёлнинг иддасини маълум муддатга чегаралаб қўйди:

«Сизлардан вафот этиб, жуфтларини қолдирганларнинг аёллари ўзларича тўрт ою ўн кун кутарлар».

Бунинг ҳикмати кўп. Аввало, бу муддат ичида аёл раҳмининг (бачадонининг) ҳомиладан бўш ёки бўш эмаслиги билинади.

Иккинчидан, аёл киши ўз эрига бўлган ҳурмати, бирга яшаган ҳаётларининг ҳурмати сифатида аза тутеди. Қолаверса, ўлган эри қариндошларининг синган кўнгилларига ҳам малҳам бўлади.

Идда ичида аёл киши пардоз қилиб, ясанмайди, чиройли кийимларни киймайди. Лекин маълум рангли ёки шаклли кийим кийиши ҳам шарт эмас.

Мўминларнинг онаси Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Набий алайҳиссалом «Аллоҳга ва охират кунига иймони бор аёлга ўлган киши учун уч кундан ортиқ аза тутиш ҳалол эмас. Магарам эрига тўрт ою ўн кун аза тутеди», – деганлар.

«Муддатлари етганда, ўзлари ҳақида маъруф ила қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ».

Яъни иддалари чиққанидан кейин, у аёллар шариат йўли билан ўзларига совчи кутсалар, айб эмас. Демак, эри ўлганидан тўрт ою ўн кун ўтгач, хотин яسانيб, пардоз қилиб, эрга тегиш учун совчи кутса, ўзининг иши, ҳеч кимга гуноҳ бўлмайди. Уни бу ишдан тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи ҳам йўқ. Шариатнинг ҳукми шу. Ҳаётда бундан бошқа ҳолларнинг учраб туриши эса бидъат ёки хурофотдир. Хурофотдан сақланиш лозим. Чунки

«Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир».

Иддада ўтирган аёлга нисбатан шариат кўрсатмаларидан бошқа йўл тутмаслик керак.

«Тафсири Ҳилол» китобидан